

НУҚУҚ

27 - fevral,
chorshanba
10
(221)

YURIDIK GAZETA

Fevral				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

● Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

Инсониятга хос фазилатлардан бири эртанги кун ташвиши билан яшамоқ, янада аниқроқ айтишда бўлса, келажак авлод ҳақида қайғурмоқдир. Оди бир одам тасавурида бу ташвиш фарзандларига атаб уй-жой куриш, мол-мулк мерос қолдириш сифатида гавдаланади. Бу «қайғу» маълум бир миллат, мамлакат, боринги башариат миқёсида олиб қаралганда эса, келажак авлодларнинг ҳам худди биз каби яшати, умргузаронлик қилиши учун қолдирилган «мерос» учун анча-мунча заҳмат чекишга тўғри келиши маълум бўлади. Ҳа, англаганингиздек, гап атрофимизни ўраб турган табиатни асраб-авайлаш ҳақида кетаяпти.

БУГУН ВА КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Мактаб партасида илк бор табиат фани билан танишган кезларимизданок ҳар биримизга она-табиатни асраб-авайлашимиз, атроф-муҳит софлигини таъминлашимиз лозимлиги ҳақида уқтирилган. Ҳар қандай табиий бойлик ҳам ниҳоятси етишсин, шунинг учун улардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишга одатланишимизни ўргатишган. Аммо, ўсиб-ўлғайганимиз сайин бу ўғитлар ҳам болалик каби орда қолаверди...

Бугунга келиб инсоният она-табиат софлигини сақлаш билан боғлиқ глобал муаммолар қаршида турибди: ер шарда ҳароратнинг йилдан-йил кўтарилиб бориши, озон тўйунининг кенгайиб катталашуви, дунё миқёсида чучук сувнинг танқислашуви, атмосферанинг ифлосланиб бориши...

Бу муаммоларни бир неча олим, бир неча ташкилот ёки бир неча давлатнинг кучи билан бартараф этиб бўлмайди. Умуминсоният муаммосига қарши умуминсоният ёвққа туриши керак. Бунинг учун ягона мақсад йўлида бирлашиш, курашиш лозим. Бу йўлга чиқиш учун эса, аввало, ички муаммоларнинг ҳал этилиши тақозо этилади.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида бу борада олдимизда турган вазифалар, муаммолар ҳусусида тўхталиб «... барча-барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда, — деган эди. — Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, биринчи гапда, табиатнинг бебаҳо неъматини — халқимизнинг бойлигини бўлими экин экиладиган ерлардан, сугориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда».

Президентимиз ушбу гапларни бекорга қуюнчақлик билан гапирмади. Сабаби, табиий ресурсларга ағасиз мулк сифатида қараш, улардан ҳўжасизларча фойдаланиш каби қонимизга синиб кетган иллатлардан ҳамон батамом қутула олганимизча йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ақуларини, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган мажлисида бу масалага батафсил тўхталиб ўтилди. Мавжуд камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Масала, табиий газдан фойдаланиш масаласини олайлик. Маълумотларга кўра, ҳозиргача табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўқ қўйилмоқда. «Зангори олов»нинг ўрнини босадиган бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан ўринсиз фойдаланилаётипти.

Истеъмолчилар, энг аввало, саноат корхоналари бу борада тежамкорликни унутиб қўймоқдалар. «Зангори олов»дан қонуни равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳолларига қўллаб-йўл қўйилмоқда. Республика буйича 12 мингдан ортиқ иссиқхоналар қонунга хилоф равишда газ билан таъминланаётгани аниқланган. Уй-жой фондини газ ўлғайтириш билан таъминлаш иши ҳам қоникарисиз аҳолида.

Жойлардаги «Газтаъминот» идоралари ва «Ўздавнефтегазинспекция» худудий бўлимлари раҳбар ва назоратчилари томонидан газдан қонуний фойдаланишнинг олдини олиш чорасини кўрмаслик, бунда суиистеъмолчилик ва таъмағирликка йўл қўйилиши ҳоллари кўпга учрамоқда.

Биз ҳар қарини олингача тенг еримизни она замин, дея ардоқлаймиз. Ҳаётимиз, тирикчилигимиз манбаи бебаҳо табиийликнинг экинлигини яхши билемиз. Аммо, ерга қандай муносабатда бўлаётганлигимизни ҳам Президентимиз экинзорлар қишлоқ ҳўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Қўллаб-йўл дала майдонлари ҳар йили турли баҳона-ю сабаблар билан экинмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга эид равишда ўзбошимчилик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Шунингдек, электр энергиясидан фойдаланиш борасида ҳам талай муаммолар мавжуд. Ҳусусан, катта ҳақда электр энергияси истеъмол қиладиган кимё, тўқима-чилик, машинасозлик саноатининг йирик корхоналари, қурилиш материаллари саноати ва бошқа завод-фабрикаларда энергия қуввати мейёрдан ортиқча сарфланмоқда.

Маиший соҳада, шаҳар ҳўжалигида электр энергиясидан оқилона фойдаланишга ҳам етарли даражада эътибор берилмаган.

Мавжуд маълумотларга кўра «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2001 йилда республика истеъмолчиларига 37,9 млрд. кВт/соат электр энергияси, 16,2 млн. Г. жал иссиқлик энергияси, жами 230,1 млрд. сўмлик электр энергияси етказиб берилган.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг насос станциялари томонидан 494,9 млн. кВт/соат, Олмалик тоғ металлургия комбинати 105,7 млн. кВт/соат, Тошхажарйўловчи-ташвиш уюшмаси 34,8 млн. кВт/соат ва жами 799,9 млн. кВт/соат электр энергияси узатиш ҳажмига ўрнатилган микдордан ортиқча сарфланганига йўл қўйилган.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, иқтисодий-тизмисини ривожлантириш, фуқароларимизнинг муносиб турмуш кечириши учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш йўлида қўллаб-йўл ишлар қилинмоқда, имтиёзлар берилмоқда. Лекин, афсуски, айрим ҳолларда имтиёзларга ҳўжасизлик билан жавоб бериш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Ушбу мақолада Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида тилга олинган масалаларнинг айримларига қўсқача тўхталиб ўтдик, ҳолос. Ваҳоланки, табиий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш ҳусусида қўллаб-йўл гапиратиш мумкин. Янада тўғрироқ эса қўл ишларни амалга ошириш керак. Бу ишлар ҳар бир юрtdошимизнинг чинакам фуқаролик мажбуриятига айланиши лозим.

Д. ИСЛОМОВ,
«Хуқуқ» мухбири



А. ТУРАЕВ фотоси

**Яна баҳор келди, яна оламда
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.
Мен сени қўтлайман шу улғу дамда,
Азиз елкадошим, музаффар ҳаёт!**

Абдулла ОРИПОВ

● ТАРАДДУД

Кўчат эк, боғ ярат

«Нуроний» жамғармасининг Сурхондарё вилояти Кенгаши «Воҳамизни боғу бўстонга айлантирайлик» деган мурожаат билан чиқди. Қариялар шу мақсадда барчани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашишга даъват этишди. Шуниси таҳсинга лойиқки, уларнинг ўзлари бу хайрли ишда ёшларга ўрнак бўлиб, «Нуроний» боғлари барпо этишга бел боғлашган. Ўйлаймизки, бу эзгу ташаббус қўллаб-қувватланади.

Қ.ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

АНОНС



ОТА-ОНА ДУШИ

Мен бахтли инсонман. Минг шукрки, ҳамон онамнинг муборак дуо-ларидан баҳраманд бўлиб юрирман. Онажоним менинг суянган тоғим. Онам борки, бағрим бутун. Кўнглим тўқ.



«ТИКО»ДАГИ ҚОТИЛИК

Апрель кўёши ҳамма ёқни қиздира бошлаган бир пайда Бекзод билан Сўҳроб Қаршининг «Самарқанд» автошўхбетага етиб келиши. Улар кўзлари олазарак бўлиб кимдир қидиришарди. Бир вақт Бекзод чеккада турган «Тико»га қараб қолди...

Чоршанбадан Чоршанбагача

21 февраль
Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

24 февраль
Пойтахтимизнинг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

25 февраль
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг «Кейс-Нью Холланд» компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино ҳамда мазкур компания директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.

Моҳият
Ёлғон оғир
зарбага
ўхшайди, яраси
битган билан
чандиғи қолади.

САЪДИЙ

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonada manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi - 20.500
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.00
Gazeta hafifaning chorshehna
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● ЯКУН ВА ТАХЛИЛ

Хуқуқий-демократик давлат барпо этиш, энг аввало адолат тамойилларининг қадрият даражасига кўтарилишини тақозо этади. Бу эзгу мақсадга эришиш йўлида қонунлар ижроси устидан изчил назорат ўрнатишнинг аҳамияти бекиёс. Айниқса, ўтиш давридек мураккаб бир шароитда бундай назоратга «ҳаётий эҳтиёж» сифатида баҳо бериш жоиз. Мухбиримизнинг Жиззах вилояти прокурори Р.Мухиддинов билан сўхбати вилоят прокуратура идораларининг 2001 йилдаги қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга қаратилган назорат фаолиятига бағишланди.

— *Равашон Абдулатипович, маълумки, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши ушбу соҳа ходимларига билдирилган улкан ишонч ва масъулият белгисидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай ишонч ва масъулият «халқни назорат қилиш учун эмас, балки уларга хизмат қилиш учун йўналтирилиши лозим...»*

— Фикрингизга қўшиламан. Ўтган йил мамлакатимиз тарихида ривожланиш ва барқарорлик даври бўлиши билан бирга ҳуқуқий ислохотларнинг янги bosqichga кўтарилиш даври сифатида ҳам муҳим из қолдирди. Суд тизими, жинойий қонунчиликдаги ислохотлар амалиётга татбиқ этилиб, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги эркинлаштириш дастлабки натижаларини бера бошлади. Ўз навбатида прокуратура идораларига юклатилган масъулият ушбу ўзгаришларга тўлиқ мос келади. Ўтган 10 йиллик ҳуқуқий жараёнлар тажрибаси қонунлар ижроси устидан қучли назорат фаолияти катта самара беришини исботлади. Назорат фаолиятининг туб мақсади, мазмун-моҳияти эса Президентимиз Ислоом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган:

«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуши ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воқеаси, энг муҳим шарти ҳисобланади».

Оддий фермер бўлсам-да, эл-юрт тақдирига бефарқ қарай олмаيمان. Шу боис вилоятимизда яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси тўғрисидаги кўрсатувини катта қизиқиш билан томоша қилдим. Айниқса юртбошимизнинг маърузаси мени чуқур ўйга толдирди. Чунки у киши кўпчиликнинг кўнглидаги гапларни гапирди.

Тан олишимиз керак. Ҳақиқатдан ҳам Сурхондарёнинг ери серунум. Халқимиз меҳнаткаши. Хуллас, мўл ҳосил етиштириш учун шароит етарли. Ҳўш, у ҳолда нега иш юришмаяпти, дерсиз.

Тўғри, ҳозирги пайтда эришяётган натижаларимиздан қониқтиш ҳосил қилиш қийин. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

Гап тўғри келганда отангиз ҳам аяма, дейишади. Очиғини

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ БЕЛГИСИ

нади». Дарҳақиқат, Жиззах вилояти прокуратурасининг ўтган йилдаги фаолияти ҳам мана шундай улкан мақсад учун хизмат қилди, десак муболага бўлмас. Шунинг билан айта оламаники, 2001 йил вилоят прокуратураси фаолияти учун ўта самарали кечди. Асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. Қонунбузилишлар оқибатида етказилган зарарнинг 556 млн. сўми тўлиқ ундирилди. Шунингдек, 299 млн. сўмдан ортиқ етказилган зарар ихтиёрли равишда ундирилишига эришилди. Судларга 618 та даъво аризалари киритилиб, бир неча ўн жиноят иши кўзгатилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат ва бандлик, ширкат ва фермер хўжаликлари, транспорт тўғрисидаги, солиқ, мулкни сақлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат ўрнатилишига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонун бузилишларига нисбатан судларга 81 та даъво аризаси киритилди ва 11 та ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзгатилди.

— *Амалга оширилган бундай фаолият қримноген вазиятда ҳам ўз ифодасини топган бўлса керак? Шунингдек, жиноятчиликка қарши*

курашда ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, умумий жиноятчилик даражаси 2001 йилга нисбатан камайишига эришилди. Чунинчи, оғир турдаги жиноятлар 15,6 фоизга, ўғирлик 4,0 фоизга, гуруҳли жиноятлар 5,8 фоизга камайганлиги фикримизга мисол бўла олади. Қасддан оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, муқаддам судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этиш даражаси ҳам сезиларли камайди.

Жиззах вилояти прокуратураси идоралари томонидан 2001 йилда



тисослашуви иш юритишда сифат ва мукамаллиқни таъминлаши амалиётда батамом исботланмокда.

Ўтган йили прокуратура идоралари келтирган протестлар самарали бўлди. Ноконунчи суд ҳукмларига киритилган прокурор протестларининг самарадорлиги 81,6 фоизни ташкил этди. Бу рақамлар-

2,5 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари уюштирилди. Ўсиб келатган ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини юксалтириш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Бунинг натижаси ўлароқ вилоятда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш 24,2 фоизга қисқарди. Лекин шу ўринда бир нарса танибдилад лозимки, жамиятимишда қонун устуворлиги тамойилидан чекинувчилар ҳам учраб туради. Мана бир мисол. 2001 йилда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатлари аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

— *Равашон Абдулатипович, прокуратура идоралари олдида қўйилган вазифалардан бири судлар фаолияти билан боғлиқ. Прокуратура идораларининг судлар, шунингдек, жамоатчилик билан муносабати қандай бўлаяпти?*

— Ўтган 2001 йилда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам қатор ислохотлар муваффақият билан амалга оширилди. Хусусан, прокуратура идоралари томонидан суд қарорлари ижросини тўхтатиш ваколатининг бекор қилиниши суд ҳокимиятини мустақамлаш жараёнларининг узвий қисмидир. Судларнинг их-

ни фуқаролик ишлари бўйича судлов идоралари фаолиятига нисбатан ҳам келтириш мумкин.

Энди иккинчи саволингизга келсак, халқ учун хизмат қилиши лозим бўлган ҳар бир муассаса, шунингдек, прокуратура ҳам ҳаммаша очиқ бўлиши лозим.

Туман ва шаҳар прокурорларининг фуқароларни ҳар куни қабул қилиши йўлга қўйилган. Бу прокурорга ўзи ишлаётган ҳудудда қонунийликнинг аҳолини аниқ ҳис этиб туришида жуда қўл келмокда. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йилғишида сув, газ, ёнилғидан ва ер ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш соҳасида жуда долзарб масалалар кўтарилди. Бу бордаги қонунбузарликларни бар-тароф этишда прокурор фуқаро-ларга, жамоатчиликка таяниб иш кўрса, яъни самараларга эришиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси йилғишининг қарорларини бажариш юзасидан белгиланган тадбирларимизда прокуратура оргaanларининг фуқаро-лари билан ҳамкорликдаги фаолиятига алоҳида аҳамият берилган.

Сўхбатдош: **А.МУСТАФОКУЛОВ,**
«**Ҳуқуқ**» мухбири

● АКС-САДО

ДИЛДАГИ АЙТИЛДИ

гаплар билан жиловни ўз қўлида сақлаб турибди. Бўйруқбозлик қилишгани етмаганидек, деҳқоннинг ризқига ҳам шерик бўлишаётир. Айтган йўлларида юрмайданларга эса зугум ўтказишдан ҳам тап тортишмайди. Таниш-билишчилик ва таъмазирлик ҳолатлари ҳануз барҳам топгани йўқ.

Мустақил фермер бўлман деданларнинг йўлга-ку минг битта тўсиқ қўйишади. Ҳар хил баҳоналарни рўқча қилиб, охири ўз ниятларидан воз кечишга мажбур қилишади. Бъзган шартномадандан ортиқча етиштирилган

Аслида ҳозир ҳам эскича иш юритилмокда. Бир тўда тўралар «уюшма» ва ҳоказо

махсулотни ҳам зўравонлик билан олиб қўйишади. Энг ёмони, топширган маҳсулотимизнинг ҳақини йиллаб оломмай овора-ю сарсон бўламиз. Ҳисоб-рақамимизда маблағ бўлмагач, ишимиз юришмайди.

Бундай ҳолга тушишимизга ўзимизнинг ҳам айбимиз бор. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билмаймиз. Қонуний манфаатларимиз учун охиригача курашмаймиз. Юхотир қиламиз. Одамларчилик деймиз.

Токи тўрачилик, бюрократлик, таъмазирлик каби иллатларга барҳам берилмас экан, ер ҳақиқий эгасини топмас экан, биз ўз ҳуқуқий онг-тафаккуримизни оширма эканмиз, ўзимиз орзу қилган тараққиёт даражасига кўтарилишимиз мушкул.

Н.МУХАММАДИЕВ,
Музработ туманидаги
«Адолат» фермер хўжалиги
бошлиғи

ПРОКУРАТУРА ЎРДАМ БЕРДИ

Фуқаро Ю.Тожибоев Маргилон шаҳар прокуратурасига қилган мурожаатда Миллий банкнинг Маргилон филиали унга асоссиз талаблар қўяётганини баён қилган эди. Текширишда аниқланишича, аризачи банк филиалдан қурилиш учун 7 миллион сўм кредит олган. Шартномада унинг тўлов мuddати 2001 йил 6 декабрга белгиланган. Бироқ банк ходимлари мижоздан қарзни мuddатидан икки ой аввал тўлашни талаб қилган. Ушбу ҳолат буйича шаҳар прокурори киритган тақдирномага асосан қонун бузилишига йўл қўйган банк ходимлари мамурий тартибда жавобгарликка тортилиб, тадбиркор Ю.Тожибоевнинг ҳуқуқи тикланди.

Вилоят прокуратураси органларига қўлаб фуқаролар худди Ю.Тожибоев каби асосли ариза ва шикоятлар билан мурожаат этишмоқда. Қаноатлантирилган ариза ва шикоятлар сони ўтган йилда 2000 йилга нисбатан 86 тага ёки 20 фоизга ортгани ана шундан далолат беради.

Жумладан, фуқаро А.Ерматов ва «Пахтабанк»нинг Қўқон бўлимига савдо ва чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит беришни сўраб ёзган аризаси қонуний ҳал этилмаётгани ҳақида мурожаат қилган эди. Текширишдан сўнра унинг ҳуқуқи тикланиб, имтиёзли кредит берилиши таъминланди. Қонун талабларини бузган банк бошқарувчиси ва икки нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилды.

Фуқаро М.Зияев вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, Учқўприк тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 134-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбли топилганини баён этиб, ушбу қонунга зид қарорга муносабат билдирилишини сўраган. Мурожаат вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, аризачининг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Жиноят ишлари буйича вилоят судига назорат тартибда протест киритилди ва у қаноатлантирилди.

Фуқаролардаги даъвогарлик ҳисси ва ҳуқуқий фаоллик ҳуқуқий-демократик жамият раванқининг шартларидандир. Асосли мурожаатларнинг қаноатлантирилиши, рад этилмаётган мурожаатларнинг қонунга зид жиҳатлари ҳусусида аризачига батафсил тушунча берилиши фуқароларда ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш билан бирга, жамият олдидаги мажбуриятларини ҳам адо этиш қўниқмасини шакллантириб боради.

Х.ТУРҒУНБОВ,
Фаргона вилоят
прокурорининг ёрдамчиси

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Мен бахтли инсонман. Минг шукрки, ҳамон онамнинг муборак дуоларидан баҳраманд бўлиб юрибман. Онажоним менинг суянган тоғим. Онам борки, бағрим бутун. Кўнглим тўқ. Онажоним энг яқин ҳамдардим, маслаҳат-гўйимдир. Ҳеч кимга ишонмайдиган сиримни ҳам онамга очиб айтаяв-раман. Ахир, бу ёруғ оламда инсонга оначак қайишадиган зот борми?!

Ҳар гал ишга ёки сафарга отланаётганимда волидамдан дуо олиб кетишга ҳаракат қиламан. Зеро, онанинг дуоси бало-қазолардан асрагай. Ҳасад, ғаразгўйлик, игвогарлик каби иллатлар пайини қирқар.

Пайгамбаримиз бежизга «Жаннат оналар оёғи остидадир», демаганлар. Улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг мана бу мисралари ёдингиздадир:

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
...Яқин бир дўстим бор. Жуذا дилкаш. Яқини кунларимиз бирга ўтган. Шу боис уни беҳад ҳурмат қилардим. Ана шу дўстим оила куриб, туман марказида яшаб қолди. Тоғдаги кишлоғига эса йилига бир-икки бориб туради.*

Бир гал кишлоққа келади. Укаларидан бирининг уйида бир кеча тунаб, тонг сахарда тоққа чиқиб кетади. У ерда ҳафта-ун кун туриб қолади. Отамерос лалми далани кўш билан ҳайдаб, ғалла ва бошқа зироатлар экади. Сўнг пастга эниб, тўғри шаҳардаги уйига жўнаб кетади. Афсуски, минг афсуски, ярим-бир чакирми наридаги бошқа бир укасининг уйида умргузаронлик қилаётган онасини зиёрат қилиш, унда бир оғиз ҳол сўрашга ярамайди. Янглишмасам, орадан кўп ўтмай қари ва касалманд кампир бандаликни бажо келтирди. Дўстимиз ўшандан кейин онаси билан дийдор кўришолдимми-йўқми, билмадим.

Мен бу ноҳуш воқеани эшитиб, жўраимиздан қаттиқ ранжидим. Ундан негадир ихлосим қайтди. «Ҳай, аттанг-а! Меҳрур оқибати кам эканда», деган ҳаёлга бордим. Надоматлар бўлғайки, ҳаётда бундан

да аччиқ, бунданда даҳшатлироқ ҳодисалар ҳам содир бўлар экан. Бундай кўргуликларни гапиришга тил, ёзишга қалам ожиз. Начора, мушоҳада юрийтиш, хулоса чиқариш учун ана шундай фожеалардан бири ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Х.Абраев биринчи марта судлангандан кейин ҳам қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Ичкиликка берилди. Фойдала меҳнат билан шуғулланишни хохламади. Оила аъзолари билан тез-тез жанжал чиқарди. Шундай кунларнинг бирида укасини пичоқ олиб қувлайди. Шунда уни тинчлантиришга

бўлмаган ваҳиёна жиноят содир этади.

Келинг, шу ўринда яхшиши Парча момонинг судда берган кўргазмасини келтирайлик. Зеро, ҳеч бир онаизор ўз фарзандига нисбатан тўхмат қилмайди:

«Уша кунни эрталаб ўғлим Жўра, келиним ва турмуш ўртоғим кудамизнинг уйига маърақага кетишди. Кундузи тахминан соат иккиларда Худоймурод ширақайф ҳолда уйга келиб, пастда тўшалган гиламда ухлаб қолди. Бирон соатлар ўтгандан кейин хўжайиним меҳмондорчиликдан қайтиб келди. У шўрва олиб келган экан. Шу оқатни менга едирмоқчи бўлиб турганда ўғлим уйғониб қолиб, ҳеч бир сабабсиз отасига ёпишиб кетди. Шўрлик чол «мен сенга нима қилдим, Худоймурод», дея олди, холос. Ўғлим отасини ерга олиб бос-

ажратиб олмоқчи бўлди. Худоймурод қўлига болта олиб, «сени ҳам ўлдирман», деб укасини қувди. Шундан сўнг Жўра қочиб кетди. Кейин «тез ёрдам» машинасини олиб келди. Орадан кўп ўтмай, турмуш ўртоғим вафот этади. Энди бунинг ҳам қонуний жазосини берингизлар».

Ота рози — худо рози, дейишадди. Падаркуш худонинг ҳам, бандасининг ҳам қаҳру ғазабига дучор бўлиши муқаррар. Тубанлик боққоғига ботган Х.Абраевга суд томонидан ўлим жазоси тайинланди. Унинг охирати куйганлигига ҳам шўбха йўқ.

Оллоҳнинг иродаси билан дунёга келтирган, не-не орзу-ҳаваслар билан улғайтирган ота-онасини эъзозлаш, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб, муборак дуолага мушарраф бўлиш ҳар бири-



ОТА-ОНА ДУОСИ

уринган бошқа бир укаси Боймуроднинг қорнига пичоқ санчади. Ва иккинчи марта бошқа жиний жавобгарликка тортилади. Амнистия актига асосан қолган жазони ўташдан озод қилиниб, ота-онаси яшайдиган уйга қайтиб келади.

Энди у қари ота-онасига елимдек ёпишиб олади. Сира тинчлик бермайди. Доимий равишда уларни кўпол сўзлар билан ҳақоратлаб, шаъни ва кадр-қимматини таққирлаб, уриб-дўппослаб қийнаб келган.

Онасининг оёқ ва қўллари ишламайди. Нобакор фарзанд ана шундай ожиз аҳволдаги онасини ҳам аямай, унга тан жароҳати етказган. Худоймурод орадан санқили кунлар ўтган, энди падали бузрукворига нисбатан одамзодга хос

дир. Шундан сўнг супа ёнида турган кетмонни олиб, отасининг бошига урди. Зарбнинг зўридан кетмоннинг дастаси синиб кетди. Шу пайт хўжайиним жон сақлаб қолиш мақсадида бошини мен ётган кроватнинг тагига тикиб олди. Шундай бўлса-да, ўғлим кетмон дастаси билан отасининг дуч келган жойига ураверди. Мен ўрнимдан туролмайман. Шу сабабли уларни ажратма олмадим. Бақириб қўшниларимизни ёрдамга чакирмоқчи бўлганимда эса Худоймурод ваҳоҳат билан «бақирма, ўлдирман», деди. Мен кўрқанимдан бошқа бақира олмадим. Бақирсам, у мени ҳам ўлдиришини билдим.

Бир пасдан кейин ўғлим Жўра ва келиним келиб қолдиши. Жўра акасига «отамни ебсан-ку!» деб уни

мизнинг энг улғу инсоний бурчларимиздан биридир. Буни унутган кимса ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил деган гап бор ҳалқимизда. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган яқин ишлар кўнглимизни ифтихорга тўлдирди. Шундай шафқатли йилда Худоймурод каби тошқар инсонларга ўрин бўлмасин, деган ниятда ушбу мақолага нуқта қўямиз. Зеро, меҳр-оқибат ҳар бир хонадонга кириб борса, ҳар бир қарияни ўзининг ҳарир пардасига ўраб олса, 2002 йилмиш шунчалар зарофатли яқунланди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

● КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишини мазкур масалада маълум бир тизим ва тартибни ўрнатди, десак муболага бўлмайди. Фармойишга асосан, 2001 йил 1 сентябрдан эътиборан, республикада узлуқсиз таълим тизимида боғчадан то олий таълимнинг юқори босқичи магистратурагача ҳуқуқий билимларни ўрганиш конституцияни ўрганишдан бошланмоқда.

Мазкур фармойишга асосан, Республикада барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Конституцияни ўрганиш буйича дастурлар, дарсликлар ва адабиётлар яратилмоқда.

Яқинда Республикаимизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимларидан: М.Рустамбоев, Ҳ.Бобоев, А.Саидов, Ф.Абдумажидов, М.Файзиев, А.Тўлаганов ва бошқалар қаламига мансуб, Вазирлар Маҳкамаси

моқда. Мазкур қўлланма Конституциянинг мазмуни ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон конституциявий тизимининг асосий принциплари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда уларнинг кафолатланиши, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг асослари, Ўзбекистон Республикасининг давлат ва мамурий - ҳудудий тузилиши, давлат

юртлари учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси» ўқув қўлланмаси ҳам нашрдан чиқди. Ушбу қўлланма талабаларга Конституциянинг давлат ва жамият тараққиётида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини тушуниришда жуда муҳим бўлганлиги учун дарслик сифатида ўтилмоқда. Ушбу қўлланмалар барча

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР АСОСИ

ҳуқуқидоги комиссия томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув қўлланмаси чоп этилди.

Махсус дастур асосида олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи талабалари учун тайёрланган ушбу қўлланма талабаларга «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанидан муҳим дарслик сифатида ўргатил-

ҳокимияти органлари тизими, уларнинг тузилиш тартиби, ваколатлари ва фаолият шакллари ўз аксини топганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларимиздан Р.Қаюмов, М.Мирҳамидов, А.Тўлаганов, О.Хусанов ва У.Ҳотамовлар қаламига мансуб, Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқидоги комиссия маъқуллаган олий ўқув

ноюрлик олий ўқув юртлари талабалари ва профессор ўқитувчилари Конституция ва у асосида қабул қилинган бошқа қонуний мизнинг мазмун - моҳиятини чуқур ва мукамал ўргандилари учун асосий дарсликлардан бўлиб қолади, дейиш мумкин.

Ойбек ЭҒАМБЕРДИЕВ
ТошДУУ талабаси

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз қонунчилигида муҳим воқеа бўлиши билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Кўп бор таъкидланаётганидек, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришда ушбу қонун бежиз аҳамиятга эга. Амалиётда тўғри қўлланилишига эришиш унинг аҳамиятини янада оширади. Ана шу муносабат билан Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ташаббуси билан вилоятларда конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ушбу саҳифа орқали сирдарёлик ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Тараққиёт жадаллашиб, турмуш тарзимиз ўзгариб борар экан, амалдаги қонун-қондалар ҳам шунга мувофиқ тақомиллаштириш йўлидан бораверади. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам босқичма-босқич қатор ислохотлар амалга оширилди, янги қонунлар қабул қилинди, судлар ихтисослаштирилди, апелляция институти киритилди, кассация ва назорат босқичи судларида иш юритиш тартиби ўзгарди.

рени тайинлаш унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирса-да, манзил колонияси белгиланади. Мантқан ёндашиладиган бўлса, эҳтиётсизликдан содир қилинган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишга ҳам, унчалик оғир бўлмаган жиноятга ҳам озоликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган бўлса манзил колонияси белгиланади. Бундай ҳолатда эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларнинг барчасини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига мувофиқлаштирилса, мантқан тўғри бўларди,

да жиноятларнинг 46 таркиби бўйича санкциялардаги жарима миқдори оширилди. Жиноятларнинг 12 таркиби бўйича жарима жазо чораси сифатида киритилди. Умуман, жиноятларнинг 187 таркиби бўйича жарима санкцияларини қўллаш назарда тутилган. Бу масала – жарима жазо чорасини қўллаш, албатта суд томонидан ҳал қилинади, лекин масаланинг бошқа томони бор. Жаримани ундириш масаласи, айниқса чет эл фуқароларига ахлоқ тузатиш иши жазоси, синов мuddати тайинлаб бўлмайди. Етказилган моддий зарар қоланган, юзаки қараганда, муаммо йўқдек туйилади-ю, бироқ муаммо йўқ эмас.

Мен шу ўринда ЖКнинг 66¹-моддасини қўллашда юзага келган муаммоларга тўхталмоқчиман. Мазкур моддани қўллаш юзасидан иш юритиш тартиби тушунарли, бироқ бизни қийнаётган бошқа бир масала борки, унинг ечимини топиш лозим бўлади.

Ушбу моддада ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озодек қилиниши мумкин бўлган моддалар санаб ўтилган. Бошқа моддалар бўйича ярашувга эришганлик тақдирда ҳам жиноий жавобгарликдан озодек этилмайди. Лекин тергов органларининг хатоси билан судланувчининг айби нотўғри квалификация қилиниб, судга юборилса ва суд масла-

Олий Мажлисининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни 2001 йил 18 октябрдан амалга киритилди.

Мазкур қонунга мувофиқ ЖПКнинг эҳтиёт чорасига оид 242-моддаси ҳам жиддий тарзда ўзгартирилди. Агар илгари қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бир йилдан ортиқ мuddатга озоликдан маҳрум этиш тарзидидаги жазо назарда тутилган жиноятлар бўйича қўллаш мумкин бўлган бўлса, эндиликда фақат уч йилдан ортиқ мuddатга озоликдан маҳрум этиш жазо чораси назарда тутилган жиноятларни ҳамда беш йилдан ортиқ мuddатга озоликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўллаш мумкин. Фақат алоҳида ҳолларда бу мuddатлардан кам жазо кўзда тутилган жиноятлар бўйича ҳам мазкур эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин. Бунда, албатта, қилмишнинг ва уни содир этган шахсининг ижтимоий хавфлилиги, жиноятнинг оқибатлари инобатга олинади.

ИСЛОХОТЛАР

УЛАР ЗАМИРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МУЖАССАМ

Кодексининг 245-моддасида назарда тутилган жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш мuddатлари тубдан ўзгартирилди. Эндиликда, умумий қондага кўра, дастлабки тергов пайтида қамоқда сақлаш 3 ойдан кўп вақт давом этиши мумкин эмас. Бу мuddат терговни тамомлаш имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирдагина узайтирилиши мумкин. Яъни 5 ойгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг, 7 ойгача Ўзбекистон Бош прокурори ўринбосарининг, 9 ойгача, фавқулодда ҳолатларда эса 1 йилгача узайтириш Ўзбекистон Бош прокурорининг мутлоқ ваколатига тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди.

Кодексининг дастлабки тергов мuddатларига бағишланган 351-моддаси ҳам ушбу моддага мувофиқлаштирилди. Эндиликда дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаган мuddатда тамомланиши лозим.

Тергов мuddатларини узайтириш тартиби ва мuddатлари қамоқда сақлаш мuddатларини узайтириш тартибига мос келади. Фақат тергов қилиш ва қамоқда сақлаш мuddатларини қисқартириш эмас, барча судларда ишларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш, шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш тартибини соддалаштириш ҳам жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан ЖПКнинг 405-моддаси ўзгартирилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Унга кўра, суд жиноят ишини судда муҳокама қилишни таъминлаш ҳақида қарор чиқарилган пайтдан эътиборан 15 кун эмас, балки 10 кун давомида кўриб чиқишни бошлаши шарт. Бундан ташқари, ишларни судда кўриб чиқиш мuddатлари ва уларни узайтириш тартиби биринчи марта киритилмоқда. Жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш суд томонидан бу ишни кўриб чиқиш бошлангандан узоғи билан 2 ой давомида тугаланиши лозим.

Бу мuddат Қорақалпоғистон Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва Ўзбекистон ҳарбий суди раисини томонидан 4 ойгача узайтирилиши мумкин. Фавқулодда ҳолатларда, фақат мураккаб ва кўп эпизодли ишлар бўйича Ўзбекистон Олий суди ўринбосари томонидан 5 ойгача ва Олий суд раисини томонидан 6 ойгача мuddатга узайтирилишига йўл қўйилади. Барча ҳолларда ишни судда кўриб чиқиш мuddатини узайтириш 1-инстанция судининг ажрим асосида амалга оширилади.

Жиноят ишларини судда кўриш жараёнини соддалаштириш Жиноят кодексига ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озодек қилиш институтини киритиш билан боғлиқдир.

Шу боис ЖПК бешта моддадан иборат бўлган янги 62-боб билан тўлдирилди. Ушбу бобда ярашув ҳақидаги ишларни судда кўришнинг тартиби ва механизми белгиланган. Чунончи, ЖПКнинг 582-моддасига кўра ярашиш муносабати билан фақат ЖКнинг 66-1 (прим)-моддасида назарда тутилган жиноятлар ҳақидаги ишларгина тугатилиши мумкин. 583-моддада ярашув ҳақидаги аризаларни келтириш ва қабул қилиш тартиби баён қилинган. Бу ҳаракатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ариза жабрланувчи (даъвогар) томонидан дастлабки тергов ва суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида, лекин суд маслаҳатхонага кириб кетмасидан олдин берилиши мумкин. Бундан ташқари, агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, ярашув ҳақидаги иш фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилгандан кейингина қўрилади. 584-моддада ярашув ҳақидаги жиноят ишининг судга юборилиш тартиби белгиланган. 585-модда ярашув ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жараёнига бағишлангандир.

Бу турдаги ишларни судда муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, суд айбланувчининг айби исботланганлиги ҳақидаги масалага чўқур кириб бормай, эътиборни асосан: – томонлар ярашувининг ихтиёрийлиги; – айбига иқдор бўлишининг ихтиёрийлиги; – келтирилган зарарнинг қопланганлиги; – ушбу қилмишда оғирроқ жиноят таркибининг йўқлигига қаратади.

Ана шу шартлардан биронтаси бўлмаган тақдирда суд ишни умумий қондалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

З.ЖУРАБОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР

Қабул қилинган қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва амалиётда тўғри қўллаш учун аввало уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишимиз зарур. Ўз навбатида ишларни кўришда, тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларга янги қонунларни тушунтириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи навбатда шуни эътиборга олиш лозимки, Жиноят Кодексида жиноятларни тавсифлаш мезонлари ўзгарди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига қасддан содир этилиб, 3 йилдан кўп бўлмаган мuddатга ва эҳтиётсизлик оқибатида содир қилинган 5 йилгача озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар жиноятлар бўлади. Шу ўринда бир оз мунозара юритса бўлади. Яъни, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, хусусан, қонунда қасддан содир этилиб уч йилгача озоликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланадиган бўлса, амалдаги қонун талабига кўра манзил колонияси белгиланади.

Унчалик оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан ортиқ мuddатга озоликдан маҳрум қилиш тарзидидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилиши кўрсатилган. Аммо, режим ту-

деб ўйлайман.

Келтирилган мулкый зарар қопланган тақдирда озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо чораси қўлланилмаслиги 12 та жиноят таркиби бўйича қонунга киритилган.

Умуман олганда, мулкый зарарни қоплаган тақдирда ҳам ишни судда кўришга тайинлаш жараёнида бир оз муаммо мавжуд. Масалан, айрим чет эл фуқаролари масаласи мунозарали, чунки вилоятлиқ бешта давлатлар билан чегарадош, қариндош-уруғлари бошқа давлатларда яшайдиган судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ҳал этиш лозим. Айрим судланувчиларнинг турар жойи йўқ. Қочиб кетса, жазонинг муқаррарлиги принципи бузилиши мумкин. Шу сабабли, мулкый зарар қоплаган тақдирда ҳам, эҳтиёт чораси масаласи аслича қолдирилса, бизнинг фикримизча, қонун талабларига зид бўлмайди. Чунки қонунга асосан, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озоликдан маҳрум қилиш тарихисидидаги жазо қўлланилмайди. Демак, ҳукм эълон қилингунга қадар асослар бўлган ҳолатда эҳтиёт чораси (қамоқда сақлаш)ни қолдириш қонун бузилиши ҳисобланмайди.

Янги қабул қилинган қонунлар-

ҳат уйда унинг айби нотўғри квалификация қилинган, деган тўхтамга келиб, унинг айбини айнан ЖКнинг 66¹-моддасидан санаб ўтилган моддаларнинг бирига қайта малакаласа, иш ҳолатлари бўйича жабрланувчининг даъвоси йўқ, келтирилган зарар қопланган, судланувчи айбига иқдор ва биринчи марта жиноят содир қилган бўлса ҳамки, суд албатта ишни ҳукм чиқариш билан якунлашга мажбур бўлади. Негаки, ярашув тўғрисида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмаган, энг асосийси, жабрланувчи ариза берганидан кейин суд уни тасдиқласа, мазкур иш бўйича юритишни қайта тиклашга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирилмаган бўлади. Масалан, ЖКнинг 277-моддасининг 1-ёки 2-қисми билан тергов органларига айблаган бўлса-ю, суд унинг ҳаракатини 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилган ҳолатда ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган. Аслида мазкур қонуннинг ўзи фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида киритилган.

Шундай экан, бу масаланинг ҳам ечимини топиш керак.

М.ЯХШИБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Сирдарё вилоят суди раисининг
ўринбосари

«ХУҚУҚ»ий маслаҳатхона



Мен 13 йилдан бери ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаман. Йўл ҳаракати қоидаларини баъзида билиб, баъзида эса билмай бузиб қўямиз. Оқибатда ИПХ ходимлари билан тўқнаш келамиз. Шунда ИПХ ходимлари тушунтириш ёки биринчи марта содир этганлик учун оғоҳ-лаштириш ҳам бермасдан, ҳужжатларини олиб, баённома тузишга тушади.

Қонуларимизда бундан бошқа чоралар кўзда тутилмаганми?
З.ОРТИКОВ,
Ангрен шаҳри

Бундай тартиб ҳам назарда тутилган. Лекин бунинг учун содир этилган ҳуқуқбузарлик қонуннинг бу нормасига мос келиши лозим. Хусусан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш юзасидан уни содир этган шахс ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва маъмур ҳатти-ҳаракат учун кўзда тутилган жазиманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир барваридан ошмаса, баённома тузилмайди.

Жарима жазоси қўлланилган эса, айбдорга белгиланган шаклдаги қвтанция берилади. Агар фожага томонидан жаримага эътироз билдирилса, белгиланган тартибда баённома тузилади.

Болани парваришlash учун бериладиган таътилга ҳам пул тўланадими? Ана шу таътил даврида унинг ўрнига бошқа ходим вақтинча ишга олиниши мумкинми? Учинчи саволим: болани парваришlash учун берилган таътил тўлиғича иш стажига ўтадими ёки унинг икки йилими?

Д.ЗОКИРОВА,
Тошкент шаҳри

Болани парваришlash учун бериладиган таътил дағида, икки жихатга эътибор бериш лозим.

Булардан биринчиси – бола икки ёшга тўлгунга қадар бериладиган таътил бўлиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Иккинчиси эса – аёлнинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун бериладиган таътил. Бу иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳисобланади.

Лекин бу таътилларнинг барчаси иш стажига киради. Иш берувчи ўз ходими болани парваришlash учун таътилга чиққан даврда унинг ўрнига ўриндошлик асосида бошқа ходимни ишга олишга ҳақли.

«Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида риоя қилинишини тегиштурувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.»

Меҳнат Кодексининг 8-моддаси

Даволаш учун суд ажрими билан юборилган шахсга нисбатан қўлланилган жазони бекор қилиш тўғрисида судга шикоят бериш мумкинми? Ва бу шикоят қайси судга берилади?

Раёно М.,
Тошкент вилояти

Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган шахсга нисбатан соғлиғи ҳолатига кўра содир этган қилмишига жазо тайинлашдан олдин тиббий йўсиндаги мажбурул чорасини бекор қилиш тўғрисида судга шикоят берилиши мумкин. Бу ҳақда суд ажрими чиқарилган шахс, унинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакил томонидан маъмур чорани қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган суд ёки ишбу чора қўлланилаётган жойдаги судга мурожаат этиш лозим.

Лекин тиббий йўсиндаги бундай мажбурул чорасини сиз айтгандай, шахсинг содир этган қилмиши учун белгиланган жазо деб тушунамслик лозим. Тиббий йўсиндаги мажбурул чораси жиноят содир этган шахсга қилмиши учун жазо белгиланган тўқтинлик қилаётган касаллигини барта-раф этиш мақсадида қўлланилади.

Мен беш қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшайман. Қўшниларимиз билан аҳилми. Уйимизнинг ёнида ҳар қим эллагачча томорқача қилиб, турли хил нарсалар етиштиради. Қўшниларимиздан иккитаси ана шу жойда мол, товуқ боқшади. Қишда унча билимайди. Аммо ёгга келиб қунар исига, мол ва товуқлар дастидан пашшалар кўпайиб кетади. Буни эсаларга бир неча бор айтишимизга қарамасдан, улар боқшни давом эттириштиради.

Қонунда бундайларга бирон чора кўзда тутилганми?
А.ФОРИҚОВ,
Фарғона шаҳри, Охунбобоев даҳаси.

Бу санитария талабларига зид ҳисобланиб, бундай ҳолат турар жойдан фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш деб топилиб, маъмурий тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Бунда фансдорларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солиниши мумкин.



55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида бошқа табиий захиралар умумийлиги бойлиқдир, улардан фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Шаҳримиздаги «Ҳамроҳ» фирмаси бошқа бир фирма билан товар олди-сотди қилиш бўйича шартнома имзолаган эди. Лекин «Ҳамроҳ» фирмасида айни пайтда пул бўлмаганлиги учун товарни олдиндан олиш, пулни кейинчалик (10 кун ичида) тўлаш шарт билан шартнома тўзди. Иккинчи тараф эса бунга фақат бошқа бирор мулк ёки фирма кафилиги бўладиган бўлса, рози бўлишини билдирди. Шунда мен кафилигини ўз бўлишимга оладим. Аммо, «Ҳамроҳ» фирмаси кўрсатилган муддат бўлса ҳам пули ҳалигача тўлагани йўқ. Энг қизиғи, иккинчи тараф ҳам ҳозирча талаб қилмаяпти. Саволим шундайки, агар уларнинг бундай қилмиши ўзаро келишув асосида бўлаётган бўлса, мен ўртада қолиб кетмайманми? Бундай ҳолатда кафиликдан воз кечишга ҳақлиманми?

Файрат С.,
Кўкон шаҳри

Шартномада белгиланган кафилик муддати ўтиши билан кафилик бекор бўлади. Агарда бундай муддат белгиланган бўлмаса ва кредитор «Ҳамроҳ» фирмаси сизнинг кафилингиз билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга даъво кўзгатмаса, кафилик бекор бўлади.

Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланмаган бўлса, кредитор кафилик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво кўзгатмаган тақдирда, кафилик бекор бўлади.

Мен бир қизни боқиб олган эдим. Уни ўстириб, вояга етказдим. Ҳозирда Тошкент дон маҳсулотлари коллежининг бухгалтерия бўлимида ўқийоти.

У шу пайтгача отасидан алимент олиб туради. Бизнинг оилавий шароитимиз оғина оғирроқ. Шу йилнинг апрель ойида эса у 18 ёшга тўлади. Саволим шундан иборатки, у 18 ёшга тўлган, алимент тўхтаб қўйиладими, йўқми?

Кимёхон ГЕЛДИЯРОВА,
Жарқўрғон тумани, Т.Шабуров номли жамоа ҳўжалиги

Оила Кодекси талабига кўра, алимент тўлаш мажбурияти бола вояга етгандан бошлаб тўхтатилади. Чунки бола 18 ёшга тўлиши билан муомалага ва меҳнатга тўла лаёқатли ҳанда ёрдамга муҳтож эмас, деб саналади.

Лекин, гарчи бола вояга етса, да, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлса, алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Муҳтожлик дағида вояга етган боланинг ўз тирикчилиги учун зарур олмаслиги тўхтатилади. Бунда вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахснинг яшаш жойидаги тирикчилик минимуми муҳим рол ўйнайди.

Масалан, алимент талаб қилаётган шахснинг даромади (иш ҳақи, стипендия ва ҳ.к) тирикчилик минимумидан кам бўлса, у ўз ота-онасидан алимент талаб қилишга ҳақли бўлади.

Бундай алиментни ўндириш учун судга мурожаат этиш лозим. Суд алимент миқдорини белгилашда алимент тўловчининг моддий ва оилавий аҳолини ҳисобга олган ҳолда пул билан тўланадиган қатъий суммани белгилаши мумкин.

Мен фирмада мутахассис бўлиб ишлардим. Ишга қабул қилиш пайтида икки йилга меҳнат шартномасини тўздик (2001 йил 5 апрелдан 2002 йил 31 декабрга қадар). Лекин фирма директори шу йилнинг 7 февраль кунини мени шидан бўшатганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб, меҳнат шартномасини бекор қилди.

Меҳнат кодексининг 104-моддасида муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинса неустойка тўланиши лозим, деб айтилган экан. Лекин фирма менга ҳеч қандай неустойка тўлаб бермади. Уларнинг бунга қонуний асоси борми?

О.МУЗАФФАРОВ,
Тошкент шаҳри.

Ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг айби билан боғлиқ асослар бўйича иш берувчи томонидан бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш асосларига қуйидагилар киради:

- технологиядаги, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг қисқарганлиги ёки корхонанинг тугатилганлиги;
- ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши;
- ўриндошлик асосида ишлаётган бўлса, ўриндошлик асосида ишланмайдиган бошқа ходим ишга қабул қилинганлиги ёки умуман ўриндошлик иши бекор қилинганлиги;
- мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

Лекин, тузилган муддатли меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгиланмаган бўлса, ҳар икки тараф уни тўламасликка ҳақли бўлади.

Мен савдо-ишлаб чиқариш фирмасида технолог бўлиб ишлардим. Шу йилнинг январь ойига келиб директорини алмашди. Янги директорининг биринчи қилган иши ходимларни алмаштириш бўлди. Лекин ҳаммасини қонуний асосда, олдиндан тушунирган ҳолда қилди. Меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилгани учун икки ойлик маош миқдоридан пул тўлаб берилди.

Лекин эшитишимча бундай ҳолларда компенсация икки ой эмас, балки уч ой учун тўланиши керак экан. Шу тўғрими?

Абдугани БОБОҚУЛОВ,
Андижон вилояти,
Балиқчи тумани

Агар меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 89-моддаси 4-қисми, 100-моддаси 2-қисми 1-, 2- ва 6-бандларига мувофиқ бекор қилинганда янги иш қидириш пайтида икки ойдан ортқ бўлмаган давр мобайнида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Сиз айтган уч ой учун иш ҳақи эса, юқоридаги асослар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтилган тақдирда, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага асосан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақини олиш мумкин.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

«ТИКО»ДАГИ ҚОТИЛЛИК

– Ака, орқага қайтамыз, йўлдан адашдик.
– Қайтсак қайтаверамиз-у, аммо бу кетишда тўйга кечикиб қоламиз-да. Ҳа, манзилни аниқ билармидиларинг? – шундай дея шофёр орқасига бурилади-ю, кўркувдан кўзлари олайиб кетди. Шундоққина бурнининг тагида личокнинг ўткир тиғи ялтираб турарди. Бечора хайдовчи нима гаплагини сўрашга ҳам улгурмади...

Бир неча ойдири Сухробнинг кўнгли қоронғу тундан ҳам баттар зимистон. Тунда-ку осмонга юлдузлар, ой чиқади. Озгина бўлса-да ёруғлик бўлади. Аммо унинг кўнглига ёруғлик олиб хирадиган нурнинг ўзи йўқ. Қамқоқнага тушганидан буён Бекзод билан учрашган кунини ланатлайди. «Менга нима етишмаётганди ўзи? Тенгдошларим қатори ўйнаб-қулиб юрсам бўлмасмиди? Мана, огайним Лазиз, университетга ўқишга кирди. Курсдошлари билан пахтага кетгандир аллақачон. Муниса-чи? Мени кутармикан? Йўғ-э, нималар деяпман ўзи? Бу ердан чиққунча ёшим 30 дан ошади. Ундан кейин, «ўтириб чиққан» йигитга кимнинг кўзи учиб турибди. Уф-ф! Қаердан ҳам ўша Бекзодга қўшилдим-а?!». Бўлиб ўтган воқеалар (эхтимол юзичи мартадир) бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади...

Апрель куёши ҳамма ёқни қиздира бошлаган бир пайтда Бекзод билан Сухроб Қаршининг «Самарқанд» автошоҳбekaтига етиб келишди. Улар кўзлари олазарак бўлиб кимнидир қидиришарди. Бир вақт Бекзод чеккада турган «Тико»га қараб қолди.

– Ҳа, ким у, танишинми? – ҳовлиқиб сўради Сухроб.

– Э, йўқ, танишга бало борми, ўша машина айни бизбоп экан, – деди кўзлари қувончдан чақнаб кетган Бекзод. – Кел, келишиб олайлик, «икковимиз Қамашига тўйга бораёلمиз», тушундингми? Қолганини йўлда гаплашиб оламиз. Сен шу ерда тур. Мен савдолашиб келаман.

Бекзод «Тико»ни кира қилиш учун кетди. Лекин у дарров қайтиб келди.

– Савдо пишмади, 5 та берасанлар, деяпти.

– Мен гаплашиб кўрай-чи? – деди Сухроб.

Кўп ўтмай Бекзоднинг ёнига «Тико» келиб тўхтади.

– Утир, кетдик. Шопир акамиз 4 тага кўндилар, – деди машина ичида ўтирган Сухроб.

– Э, укалар, савоб ҳам керак-ку одамга, – деди Замонхон дилкашлик билан. Унинг кулиб турган кўзлари бугун абадий юмилишини ўзи ҳам билмасди. Йўлга тушишди. Бекзод билан Сухроб бир-бирига имо-ишора қилиб нималарнидир гаплашиб олишди. Шофёр бунга эътибор қилмади.

Ва ниҳоят, Қамашига кириб боришди. «Чим» жамоа ҳўжалигига етганда Бекзод шофёрга чап тамонга бурилишини айтди. Қатор-қатор уйлар ортада қолди. Одамлардан холи бир жойга келганда Бекзод:

– Ака, орқага қайтамыз, йўлдан адашибмиз, – деди.

Замонхон машинани секинлатди. Атрофда ҳеч зог йўқ. «Айни вақти» деб ўйлади Бекзод ва Сухробга қарата маъноли йўталди.

Пичоқ ва отверкалар ишга тушди...

– Бекзод, у ўлиб қолди.

Кўркувдан саросимага тушган Сухроб бориб шофёр ўтирган томоннинг эшигини очди. Оёғининг тагига ағанаб тушган Замонхоннинг очик қолган кўзларини кўрган Сухроб бир сесканиб кетди. Унинг кўзларида «гуноҳини нима?» деган савол қотиб қолгандек эди. Мурдани орқа ўриндиққа ётқизишди. Рулга Бекзод ўтирди.

– Бекзод, нега уни ўлдирдик? Ахир биз машина балонлари ва магнетофонни ўғирламоқчи эдик-ку?! – қилиб қўйган ишининг даҳшатини энди ҳис қила бошлади Сухроб.

– Кўрқма, ҳаммаси жойида бўлади, – дея Бекзод ўзига ам, унга дамдал бериб.

Улар Яққабоннинг Дарё қишлоғидаги Гулдарё бўйига келдилар. Жасадни қирғоқ яқинига кўмиб, ўзлари ҳам ювиндилар. Дарё бир бегуноҳнинг қон юқини сувларига қўшиб оқизиб, ўзанида давом этарди.

Қотиллар ҳеч нарса кўрма-

гандай, ўтириб тамадди қилишди. Бир шиша ароқ бўлиб ўтган фожеани бир оз унуттирди. «Тико» яна йўлга тушди.

– Энди машинани сотишимиз керак. Сотсак иккаламиз ҳам бойиб кетамиз. Лекин, сенгайм беш кетдим, огайни, мард экансан.

Бекзод тинимсиз гапириб борар, Сухробга унинг овози узоқлардан эшитилаётгандай туюларди.

Ниҳоят, улар Самарқанд шаҳрига кириб боришди. Аммо машинани пуллаш учун кетаётганларида уларни шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари қўлга олишди. Бекзод билан Сухроб кўз олдларида жилва қилаётган ҳавойи бойлиқнинг сароб эканлигини қўлларига кишан урилгандагина англаб етдилар.

Бир ҳали йигирмага, иккинчиси эса балоғат ёшига етмаган навқирон йигитларнинг қўлларини қонга ботирганликларига ишонгинг келмайди. Биргина қўйилган ноҳўж қадам бир йўла уч кишининг умрига зомин бўлди.

Инсон табиати галати. Қотилликми ёки шунга ўхшаш воқеани эшитсак ёки ўқисак «э, аттанг!» деб қоламиз. Аммо, содир этилаётган жиноятларнинг туб илдизи нимада эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бекорчидан худо безор, деган мақол бежизга айтилмаган. Агар Бекзод билан Сухроб ҳам бирорта фойдали иш билан шуғулланганда ҳозир бу ҳолга тушиб ўтирмас эди. Балки бу қотиллик ҳам ўз бермасди. Нима бўлганда ҳам бегуноҳ бир йигитнинг қони беҳуда тўқилди.

Қотиллар-ку жазоланади, аммо бу мудҳиш воқеа бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Б. СУЮНОВ,
Қашқадарё вилоят
судининг жиноят ишлари
бўйича судьяси.
Х. ШИМУХАМЕДОВА,
журналист

ЁШ ТЕРГОВЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Фарғона тумани божхона ходимлари айланма йўлларни текшириб бораётганларида «Икарус» автобусидан юк машинасига ортिलाётган қоплар уларнинг эътиборини тортди. Қоплардаги минерал ўғит эди. Автобус бузилиб қолгани учун уни юк машинасига ортिलाётганди. Юкнинг эгалари – Алишер билан Фарход ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олишмади.

Қирғизистон Республикасининг Новқат туманига божхона масканини четлаб олиб кетилаётган юк Фарғона туманидаги жамоа ҳўжалиқларидан бирининг омборига туширилди. Ушбу жиноятни Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М. Пўлатов тергов қила бошлади. У икки йил аввал Тошкент Давлат юридик институтини битириб келиб, иш ўрганувчи бўлиб иш бошлаганди. Прокурорнинг, ҳамкасбларининг йўл-йўриқлари, ёрдамлари, тинмай ўқиб-ўрганиши туфайли ёш ходим муайян малака ҳосил қилди. Унга ушбу жиноят ишини ишониб топширишди. Жиноят устида ушланганлар, шериклари ўғитни қаердан олганликлари ҳақида лом-мим дейишмасди.

Тергов режаси бўйича Муқимжон Марғилон «Агрокимётаъминот» хиссадорлик жамиятида тафтиш ўтказди. Бу ишга жалб этилган тафтишчилар ҳам ҳужжатларда бирон-бир хатоликни топишмади. Муқимжон иш фаолияти мобайнида кабинетдаги расмий сўроққа нисбатан кўча-кўйда, йўл-йўлақай суҳбатларда кўпроқ маълумот олиш мўмкинлигига эътибор берганди. Минерал ўғит ташийдиган хайдовчилардан бири ана шундай суҳбат чоғи «доим тарозидан уриб қолишадим», деб нолиди. Ёш терговчи юк хатларини қайтадан синчиклаб солиштиришга киришди. Иккита юк хатидаги битта рақамга эътибор берди. Ўғит ортиб жўнатилган юк



машинаси ўша, бироқ биринчи юк хатида унинг юксиз вазни 7 тонна 100 килограмм, иккинчисиде эса 7 тонна 800 килограмм кўрсатилган эди. Хайдовчи кабинада ўтирганида, бақлар тўла ёнилғиси билан тортилганида ҳам, бу фарқ 100-150 килограммдан ортмаслиги керак-ку! Яна бир бошдан ҳужжатлар синчиклаб солиштирилиб, атрофлича ўрганилганда, юк олган машиналарнинг асл вазни ҳолислар иштирокида қайта тарозиде тортилганида тарозидан уриб қолишининг «усули» намёнён бўлди.

Одатда тарозибон ва омборчи юксиз машина вазнини аслидагидан камайитириб кўрсатиш йўли билан унга ортилган ўғит вазнини юк хатларига ортқича ёзиб, омборхонада тафтишчилар тили билан айтганда «излишқа» – ортқича маҳсулотни вужудга келтиришар ва уни «воситачи-харидорларга» енг ичида пуллашарди. Омборхона мудирини бунини яхши биладиган омбор ишчиси Т. Умрзоқов, хайдовчи Н. Назиров, дарвозабон – қоровуллар У. Маматов, О. Аҳмедовларнинг оғзини «мойлаб», жиноий шерик қилиб олган эди. Юқоридагидеги усулда ортириб қолган уч ярим тонна «карбемид» ўғитини таниши И. Ҳошимовнинг ўйига тўктирган, у эса харидорларни — А. Тиллабоев ва Ф. Мадамминовни топиб, ўғитни икки баровар арзон нархда пуллаб юборганди. 300 минг сўмликдан зиёд минерал ўғитларни талон-торож қилган жиноятчилар тегишли жазога тортилдилар. «Сизга тан бердим, қандай топдингиз?», — деди айбланувчи, омборхона мудирини Х. Умаралиев терговчига...

— Бизнинг ишимизда иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ, — дейди Муқимжон Пўлатов. — Устозларим Ҳамидулло Незьमतов, Нурмухаммад Сулаймонов, Муҳаммадамин Тешабоевлар талаб қилганларидек, бирон жиноятни содир этишда гумонланган шахсни турмуш тарзи, руҳияти, қизиқишлари, яқинларини атрофлича ўрганишга интиламан. Ҳар бир таҳмин устида ишлайман. Оддий киши сифатида маҳалла-куй, таниш-билишларидан феъл-яворини ўрганаман. Бу жиноят сабабларини аниқлашга ёрдам беради...

М. Пўлатов уч йилдан буён терговчи лавозимида ишляпти. У тергов қилган биронта иш суддан қайтгани йўқ. Бу терговчи малакасининг ўзига хос андозаларидандир.

— Одамларнинг бефарқлиги, мурасозлиги жиноятта шарт-шароит туғдиради, — дейди у. — «Агрокимётаъминот» омборхонасидан жамоа ҳўжалиқларига доим кам ўғит чиқарилган. Лекин, гувоҳларнинг ўзлари тан олганларидеги, «ҳали кўп ишим тушади, орани бузма» деб индамай кетаверишган. Жамоа ҳўжалиқлари омборларида эса ўғит ўлчаб кўриб олинмаган. Баъзан тўғридан-тўғри даланинг ўзига олиб бориб тўқила-верган. Бригадаларга омборчи ўғитни пақирда ўлчаб берган ҳолатлар ҳам учради. Жиноят сабабларидан ана бири ҳисоб-китобнинг ана шундай пала-партишлигида. Охир-оқибат экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, ҳўжалиқлар даромадларидан бебаҳра қолишадим...


У туғилиб ўсган қишлоғи — Риштон туманидаги 8-ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари синфдошининг қундалигидаги «Ким бўлмоқчиси?» деган саволга «юрист бўламман» деб ёзиб берганди. Орзусига эришди. Ҳозир у адолат, қонунийликни мустаҳкамлаш борасида ҳамкасблари билан астойдил ишляпти. Ҳўҳўжи тикланган кишиларнинг, кексаларнинг дуолари кучига куч қўшляпти.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЗАҲИРАДАГИ АЛЯСКА

Шанба куни АҚШ президенти Жорж Буш ўзининг радио орқали чиқишида Аляска нефть конларини ишга тушириш ниятида эканлигини маълум қилган. Унинг сўзларига қараганда, Аляска нефть захиралари кўмагида АҚШнинг энергияга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади. Бу эса мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш билан бирга четдан сотиб олинаётган нефть маҳсулотлари ҳажмининг қисқаришига олиб келади.



Экспертлар берган хулосага мувожаат қилинса, Аляска нефть захирасининг миқдори ўн миллиард баррелдан кўпроқни ташкил қилади.

«ҚЎЛБОЛА» ҲУЖУМ

Афғонистоннинг Қандаҳор аэропорти ҳудудига жойлашган АҚШ ҳарбий базаси номаълум кишилар томонидан ўққа тўтилган. Ҳарбий база реактив снарядлардан ўққа тўтилган бўлишига қарамай АҚШ ҳарбийлари орасида қурбонлар бўлмаган. Мазкур ҳужумни уюштирган кишилар бир неча автомашина ёрдамида қочиб қолишга улгуришган. Мутахассислар фикрича, ИЖ-12 русумли реактив снарядлар қўлбола отиш мосламаси ёрдамида отилган.

ҲАМИД КАРЗАЙ:

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

«Эрон ва Афғонистон муносабатларида янги саҳифа очилди» дея баёнот берган Афғонистоннинг муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай Техронга ташрифи чоғида. Ҳамид Карзайнинг айтишича, Эрон расмийлари билан учрашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида келишувларга эришилган. Тўлиқ ҳамкорлик сийсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилади.



Эронлик ишлаб чиқарувчилар билан бўлиб ўтган учрашувда Ҳамид Карзай Афғонистондаги издан чиққан иқтисодийнинг қайта жонланишида Эрон мамлакатининг йирик компаниялари ва мукаммал тижорат системаси кўмагидан умид қилишини айтиб ўтган. Карзайнинг фикрича, Эрон раҳбарияти ва бизнесменлари орасида бойликка тўла афғон ерларини «капиталлаштириш» илинжида бўлганлари оз эмас. Лекин бу аҳамиятсиз ҳолат, деб қаралмоқда.

«Буларнинг барчаси афғон халқи турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилади» дейди у. «Эрон нафақат бизнинг қўшнимиз, дўстимиз ҳамдир» дейди Афғонистон раҳбари.

Матбуот конференциясида Эрон президенти Муҳаммад Хотамий икки давлат ўртасидаги муносабатларни «биродарлик ришталарининг қайта тикланиши», дея таърифлар экан, «Эрон тинч ва замонвий, тараққийпарвар Афғонистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор» дея қўшимча қилди.

Табийки, музокараларда АҚШнинг Марказий Осиёга ҳарбий «ташрифи» масаласи ҳар икки томоннинг диққат марказида бўлди. Ҳамид Карзай бу ҳол Эрон манфаатларига унчалик катта зарар етказмаслигига расмий Техронни ишонтиришга ҳаракат қилди. У ўз навбатида Вашингтоннинг Техронга қўяётган айбловларига муносабат билдириб, «Афғонистон Эронни тинчликпарвар давлат, минтақадаги тинчлик ва барқарорлик қафолати деб билади» дея ирод қилган.

ИККИНЧИ МУДДАТ УЧУН

Францияда 24 апрелдан 2 майгача бўлган муддат ичида президентлик сайловлари бўлиб ўтади.

Яқинда мамлакат бош вазири Лионель Жоспен сайловда ўз номзодини қўйишини маълум қилган. Лионель Жоспеннинг мазкур сайловлардаги асосий рақиби, турган гапки, Франциянинг амалдаги президенти Жак Ширак бўлади.

Ўтган ҳафтада Жак Ширак президентлик ваколатининг иккинчи муддати учун кураш олиб бораётгани расман эълон қилган эди.

ДАВОМЛИ ХУНРЕЗЛИКЛАР

Чеченистоннинг Веденск райони ҳарбий комиссари Асму Зухайраев ўлдириб кетилган. Чечен милицияси берган маълумотда айтилишича, қотиллик шанба куни эрта тонгда юз берган. Уйига бостириб кирган номаълум кишилар Зухайраевни туғишганлари кўз олдида отиб ташлашган.

Ҳудди шу куни ушбу район халқ таълими ходими Султон Баширов ҳам қотиллик қурбони бўлган.

МАРСЛИКЛАР УЧУН

Интернетда галати харита пайдо бўлди. Мазкур харита биз билган хариталардан кескин фарқ қилмаса-да, ундан фойдаланишнинг ўзи бўлмади. Сиз топография илмидан қанчалик бохабар бўлманг, ушбу харитадан Ер юзининг ҳеч бир жойини аниқлай олмайсиз. Сабаби, харита Марс сайёрасига тегишли.

Mars Global Surveyor сайтида Марснинг тўлиқ харитаси тасвири эълон қилинди. Харита 1979 йилда учирилган «Mariner-9» ва «Viking» космик станциялар ёрдамида олинган фотосуратлар асосида чизиб чиқилган. Сайтада уч хил харита



берилган бўлиб, биринчиси умумий харита, иккинчиси бир пикселга 5 км. ўлчамда, учинчиси пикселга 1 км. ўлчамда берилган. Кейинги икки харитани бутунлигича кўриш имкони йўқ, у бўлиб-бўлиб берилган.

«ЦИРК ТОМОШАСИ» ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Сербия бош вазири Зоран Жинжич Гаагада собиқ диктатор Слободан Милошевич иши кўрилаётган суд жараёнини «қиммат турадиган цирк томошаси» дея баҳолаган. Унинг фикрича, трибунал Милошевичга суд жараёнини ўз йўригида тутиб туришига имкон бериб қўймоқда. Айниқса, бу ҳолат НАТОнинг Косовода йўл қўйган ҳатоларини таҳлил этиш жараёнида сезилиб қолмоқда.

«Мен ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган гувоҳликлар учун шунча маблағ ва вақтинг шомолга созурилаётганини кўриб турибман. Ушбу суд жараёни меннинг ҳукуратимни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймоқда», дейди бош вазир.



ТЕКШИР-ТЕКШИР НАТИЖАСИДА...

Чеченистонда республикани тиклаш ишларини молиялаштириш учун масъул бир қатор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди. Федерал бюджетдан Чеченистонга юборилган маблағлардан фойдаланиш юзасидан ўтказилган текширувлардан сўнг айрим ташкилот раҳбарлари ва амалдорлар шубҳа остига олинган. 2001 йили 200 марта ана шундай ревизия ўтказилиб, 1,55 млрд. рублнинг сарфланиши текширилганда, 91,3 млн. рубль талон-тарож қилингани аниқланган.

ҲАМЖАМИЯТГА МУРОЖААТ

Шри-Ланка ҳукумати халқаро ҳамжамиятга молиявий кўмак сўраб муурожаат қилди. Маълумки, ўн етти йиллик биродарқушлик уруши оқибатида мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудларидаги бир қанча районлар вайронга айланган. Мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқариш учун ички имкониятларга ишонмаган ҳукумат сўнгги 7 йил ичида илк бор «Тамил йўлбарслари» билан сулҳга эришганидан сўнг, шундай қарорга келган. Бош вазир Ранил Викремсинг матбуот анжуманида бу ҳолни «Шри-Ланка ҳозирги кунда пулга жуда муҳтож, давлат бюджетидagi ўткир тақчиллик сабабли шундай йўл тўтилди» дея изоҳлаган. Ана шундай бир ҳолатда ҳукумат мудофаа учун 720 млн. доллар сарфлашни режалаштирмоқда.

Эслайтиб ўтаамиз: Шри-Ланкадаги биродарқушлик уруши оқибатида 64 минг фуқаро қурбон бўлган.

«ШАРТЛИ» ЭРКИНЛИК



Яқшанба куни Исроил Хавфсизлик кенгашининг йиғилиши бўлиб, Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг кейинги тақдири муҳокама қилинди. Маълумки, Арофат ўтган йил охиридан бошлаб уй қамоғида сақлаб келинмоқда. Уч соат давом этган йиғилишда

Хавфсизлик кенгаши аъзолари шундай қарорга келишди: Фаластин раҳбари ўз штаб-квартираси жойлашган бинодан ташқарига чиқиши мумкин, бироқ Рамаллохнинг муниципал чегараларини кесиб ўтмаслиги шарт.

Қисқача

Душанба куни Кобулда янги радиостанция ишга тушди. Европа комиссияси томонидан ташкил этилган мазкур радиостанция эшиттиришларини Афғонистон аҳолисининг 80 фоизни эшитиш имкониятига эга. Эшиттириш дастурлари пуштун ва дари тилларида олиб борилади.

Кеча Покистоннинг Карачи шаҳри суд биносига америкалик журналист Даниэл Перлни ўғирлаш ва ўлдиришда айбдор дея гумон қилинаётган Шайх Умар кучли назорат остида олиб келинди. Суд жараёни ёпиқ тарзда олиб борилаётганда.

МАНБАСИ ТОПИЛДИ

ФРБ (FBI) ниҳоят, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг «Сибир яраси» ташувчи хатларни тарқатган кишини топишга муваффақ бўлди, дея хабар тарқатди The Washington Times газетаси. Махсус хизмат ходимлари воқеага шарҳ беришни лозим топмаётган бўлишса-да, гумондор ҳукумат лабораторияларидан бирининг собиқ раҳбари эканлиги ҳақидаги далилни яшириб ўтиришмапти.



Timesга интервью берар экан, АҚШ олимлари федерациясининг ҳарбий-биологик комиссияси раҳбари Барбара Хэтч Розенберг ФРБ ҳали терговни якунламаганини, бу жараён анча кенг доирани ўз ичига олиши мумкинлигини маълум қилган.

● **БИЛАСИЗМИ?**

ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

...Тамаки картошка ва қаламғир билан бир уруғ тоифасига қиради;
 ...1571 йили испаниялик доктор Николас Мондарес Янги дунёнинг шифобахш ўсимликлари ҳақида китоб ёзган. Унда тамаки 36 хил касалликларга шифо эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади;
 ...1588 йили виржиниялик Томар Харриет танани умумий соғломлаштириш учун ҳар кун тамаки чекиш кераклигини ташвиқот қила бошлаган. Лекин унинг ўзи орадан ҳеч қанча ўтмай қичима касалидан вафот этди;
 ...XVIII асрда тамаки шунчалик кенг тарқалганлики, баъзан ундан пул ўрнида ҳам фойдаланишган;
 ...1632 йили Массачусетс штатида оммавий равишда тамаки чекиш таъқиқлаб қўйилди. Лекин бундай талаб одамларнинг соғлигига бўлган гамхўрликдан эмас, балки маънавий қарашлар нуктаи назардан келиб чиққан;
 ...1826 йили кимёвий йул билан соф никотин ажратиб олинган. Шундан кейингина олимлар никотин ҳаёт учун зарарли эканлигини исботлаганлар;
 ...1923 йили Phillips Morris компанияси «Май сингари юшоқ» шиори остида Marlboro маркази билан аёллар учун сигарета чиқара бош-

лади;
 ...Иккинчи жаҳон уруши даврида сигареталар озиқ-овқат билан бирга солдатлар паёғига қўшиб берила бошлаган ва у фронтга бепул жўнатиб турилган. Уруш тугагач эса тамаки компаниялари ўзининг минглаб истеъмолчиларига эга бўлишган.
 ... фақат 1966 йилга келиб сигарет қутиларида чекиш соғлиқ учун хавфли эканлиги ҳақидаги ёзувлар пайдо бўлди.
 ...



Куба божхоначиларининг бюртмаси билан канадалик олим Мелисса Дюпон спортчиларни допинг-назоратдан ўтказиш учун мўлжалланган аппарат асосида куба сигараларининг ҳақиқийлигини аниқлайдиган мослама яратди. У дастлабки синоддаёқ АҚШ, Мексика, Бразилия, Никарагуа, Гондурас ва Ямайкадан келтирилдиган бир қанча қалбаки маҳсулотларни аниқлади. Бундай аппарат яқинда кубалик божхоначилар ихтиёрига топширилиши кутулкида. Бунгача улар сигарета сифатини текшириб кўриш учун ҳар бир сигарета қутисидан биттадан чекиб кўришларига тўғри келар эди. Мана шундай чекиш оқибатида кубалик собик божхоначиларнинг 54 фоизи ўпка раки билан касаллангани аниқланган.



Мустақиллик иншоотлари

ДОНОЛАР ЕМИШКИ...

Йигитликда йиғ илмининг маҳзанин Қариллик чоғида харж қилгил ани.
Алишер Навоий

Танинги роҳати соғлиқдан, ақлнинг роҳати билимдан.
Фалес, қадимги грек мутафаккири

Қўлар кўп нарсани биладилар, аммо ҳеч қим ҳамма нарсани билолмайди.
Лотин ҳикмати

Шундай нарсалар борки, уларни фақат ҳаётнинг ўзи ўргатади.
И.Томан, чех ёзувчиси

Қанча кўп нарса ўргансанг, яна шунчалар кўп нарсани билишинг лозимлигини яхши тушуна бошласан.
Мансисидор, Мексика ёзувчиси

Ум қисқа, билим чексиздир.
Гиппократ, қадимги грек мутафаккири

Инсон учун озошлик қанчалар керак бўлса, ақл ва тафаккур учун билим олиш ҳам шунчалар зарурдир.
Х.Рисаль, Филиппин ёзувчиси

Кам гапириб, кўп фикр юритиш кўп нарсани ўрганиш усулидир.
Шарқ ҳикмати

Устозидан ўзмайдиган шогирд шогирд эмас.
Леонардо да Винчи, буюк италян рассоми.

Педагогика инсонлар эмас, балки болалар тўғрисидаги фандир, деб ҳисоблайдиганлар қаттиқ янглишадилар.
Я.Корчак, поляк ёзувчиси

● **АНА ХОЛОС**

КОНДУКТОРЛАРГА ОСОН ЭМАС

Милиционерлик, шахтёрлик, ўт ўчирувчилик хавф-хатардан холи бўлмаган касблар сирасига қиради. Умуман олганда ҳар бир касбнинг ўзига хос қийинчиликлари бор.
 Хабаровскадаги 25-йўналишда қатновчи автобусда кондуктор аёл бир йўловчи аёлга чипта сотиб олишни таклиф қилган эди, у кондукторга чанг солиб, кўзой-

нагини синдирди, бармоғини ҳам қаттиқ тишлаб олди. Ҳозир аёллардан бири даволанаяпти. Иккинчиси эса, жинорий иш кўзатилганлиги боис хибсга олинди. Йўловчилар нима десалар десинлару, лекин кондукторларга «осон» эмас. Негалигини юқоридаги ҳоҳишдан ҳам англаб олган бўлсангиз керак.

● **КРИМИНАЛ**

ИККИНЧИ УРИНИШДА

Япон фильмларидаги ўткир сюжетларнинг ҳаммаси ҳам ўйлаб чиқарилган эмас. Бунга қўйидаги ҳодиса яққол мисол бўла олади.
 Душанба кун Япония пойтахтининг нуфузли касалхоналаридан бирида мафия гуруҳларининг қонли «ҳисоб-китоби» бўлиб ўтди. Номалум киши касалхонага бостириб кириб «Яно-гуми» мафия синдикати бошлиғи Такаши Ишизукуни тўрт ўқ билан «ер тишлатган». Қизиги шундаки, бир кун олдин унга қилинган суиқасд муваффақиятсиз чиқиб, Ишизуку ўқотар қуролдан яраланган ҳолда касалхонага ётқизилган эди. Қотил яширинишга улгурган. Полиция қидирувни бошлаб юборди.

● **БИР ЧИМДИМ КУЛГУ**

Гюнтер хотинига деди:
 — Бунга қара, Лийахен, мен бешта эркак ва учта урғочи пашша тугтиб олдим.
 — Қизиксан-а, ахир сен пашшаларнинг урғочи ёки эркакларини қаердан урга қолдинг?
 — Чунки, бешта пашша пиво шишасига қўниб турган экан, учтаси эса ойнага.

 — Ҳўш, кеча ота-онангда қандай таассурот қолдирибман? - сўради йигит бўлажак рафикасидан.
 — Билмадим, — деди қиз тортиниб, — ҳали дадам ҳеч нарса деганлари йўқ. Ойим эса дадамнинг гаплари нотўғрилигини исботлаш учун у кишининг биринчи бўлиб гапи-

ришини кутяптилар.

 — Ярим кечада кўчада нима қилиб ўтирибсан, Минна?
 — Мен оймўмани томоша қўляяман, ойжон.
 — Ўша оймўманга айт, тезда велосипедига миниб, жўнаб қолсин бу ердан.


 Эр-хотин жанжаллашиб қолишди. Хотин деди:
 — Ҳой кўрқоқ, пастга тушасанми-йўқми? Нега шкафнинг устига чиқиб олдинг?
 — Уйда мен ҳўжайинман. Қаерда дохласам, шу ерда ўтираман, — деди эр.

Котиба қиз бошлиққа деди:
 — Жаноб директор, менимча сизни хотинингиз телефонга чақиряпти, шекилли.
 — Нима деганингиз бу? Аниқроқ айтинг, чақиряптими ёки йўқми?
 — Биласизми, телефон жиринг-лаганди, мен гўшақни кўтарсам, аллақандай аёл «қулогинг том битганми, қари ҳўкюз, уйга қачон келасан» деб сўради.

 Икки дугона кўчада учрашиб қолишди.
 — Қалай, янги қўйлагим сенга ёқдими? — сўради улардан бири.
 — Кечирасан, дугонажон, — деди иккинчиси, — жуда шошилиб турибман. Сен билан жанжаллашишга вақтим йўқ!
Йўлдош ПАРДА таржимаси

Ҳа - ЗИМ

Эркаклар ғамгинликда хотинини, хушвақтликда хушторини қидиравмиш...



ЭНИГА: 1. Паришон, хаёлга ботиш. 2. Ҳарбий техника. 5. Кўзгу. 8. Африка шимолдаги давлат. 9. Юпқа мато. 10. Гуруч етиштирувчилар. 11. Тошкент вилоятидаги туман. 13. Зонтик, ёмғирпўш. 15. Падар. 18. Қувур. 19. Фарзандларнинг энг кичиги. 20. Бўёқчилик маҳсулоти. 22. Рўхоний. 23. Миф. 24. Тўхтаб ўтиш, қўниб ўтиш жойи. 26. Боланинг шевада айтилиши. 28. Осиедаги давлат. 30. Бўлинмас зарра. 31. Таъм. 32. Ҳамирли таом.
БЎЙГА: 1. Идораларда тозалikka жавобгар шахс. 2. Ўғил болалар исми. 3. Овқат. 4. Сарой, кўш. 5. Эркин, мустақил. 6. Аналар қўшиғи. 7. Алкаголличимликларнинг асосини ташкил қилувчи модда. 11. Урта Осиедаги пойтахт шаҳар. 12. Гул тури. 13. Ном шаклида ёзулувчи асар. 14. Эрталаб бўладиган ҳар кунги юмш. 16. Соч ийқ. 17. Ога. 21. Отанинг укаси. 24. Таомнинг қозон тағига олган қисми. 25. Улчов, қолип. 26. Чой тури. 27. Қайғу, гўсса. 28. Суиқасд гўшт. 29. Дарахт.
Тузувчи: Б. УМРЗОҚОВ

ТУРФА ОЛАМ УРФА ОДАМЛАР
ЭЛДОРАДО ИЛИНЖИДА
 Рим черковларидан бирининг архивидан топишган XVI асрга оид кўлэзма бир гуруҳ кишиларнинг афсонавий Элдорадони излаб Перу ўрмонларига экспедиция уюштиришлари учун етарли бўлди. Кўлэзмада айтилишича, миссионерларнинг қистови билан инклар ҳўкмдори христианиликни қабул қилгач, уларга олтин гиштлардан черков қуришни таклиф этган. Ҳоқ амалга ошмай қолган, нимагалиги номаълум. Бироқ ҳалигача, «олтин тоғ»ни излаб топиш илинжида юрганлар оз эмас.
Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси прокуратура фаҳрийси Инъом Йўлчиев укаси
Илҳом ЙЎЛЧИЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан тазия изҳор этади.
Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси умумий назорат бўлими бошлиғи Комил Тожиқулов отаси
Исроил ТОЖИҚУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.
Сирдарё вилояти прокуратураси жамоаси Гулистон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
Қожабек КАРАШЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳўмининг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.